

ADOLAT

IJTIMOIIY-SIYOSIIY GAZETA

info@adolatgzt.uz • www.adolatgzt.uz • www.adolat.uz • № 10 (971) • 2014-yil, 14-mart, juma

Мақсад ва вазифаларни такомиллаштириш йўлида

Ўзбекистон «Адолат» социал-демократик партияси Сиёсий Кенгаши раиси Н.УМАРОВ «Адолат» ижтимоий-сиёсий газетаси мухбирининг саволларига жавоб беради

— Бугунги кунда сиёсий партияларнинг ҳаётимизнинг барча соҳаларини демократлаштириш жараёнини янада чуқурлаштириш, унинг изчиллиги ва самарасини таъминлашдаги фаолиятига, фуқароларнинг сиёсий фаоллигини ошириш, турмушимизнинг кўнглига долзарб муаммоларини ҳал этишдаги иштирокига алоҳида аҳамият қаратилаётган. Яратилаётган имконият ва берилаётган ваколатлардан сиёсий партиялар, хусусан, Ўзбекистон «Адолат» СДП қай даражада фойдаланмоқда?

— Дарҳақиқат, мамлакатимизда сиёсий партиялар ривожига, жамиятда ўзининг муносиб ўрнини топишига катта эътибор қаратилаётган. Партиялар фаолиятининг ҳуқуқий асосларини мустаҳкамлаш мақсадида қабул қилинаётган қонунлар улар ўртасида соғлом рақобатнинг кучайишига, ҳар қайси сиёсий кучнинг гоялари, дастурий вазифалари ҳаётга муваффақиятли татбиқ этилишига имкон бермоқда.

Айниқса, сиёсий партияларнинг давлат ҳокимиятини шакллантиришдаги ролини янада мустаҳкамлашда «Давлат бошқарувини янгилаш ва янада демократлаштириш ҳамда мамлакатни модернизация қилишда сиёсий партияларнинг ролини кучайтириш тўғрисида»ги Конституциявий қонун ва «Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг Регламенти тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси қонунига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ҳақида» қонун сиёсий соҳадаги ислохотларни янада ривожлантириш борасида бутунлай янги босқични бошлаб берди, миллий парламентидаги фаолиятини янада такомиллаштириш учун қонунларни кўриб чиқиш ва қабул қилишнинг барча босқичларида депутатлар ва партия фракцияларининг ролини оширди. Бу шубҳасиз, депутатларнинг про-

фессинал фаоллигини ҳам, сиёсий партиялар фракциялари ва депутатлар гуруҳларининг қонун лойиҳаларини ва бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни тайёрлашдаги, уларни муҳокама қилиш ва такомиллаштиришдаги ролини ҳам оширди.

Аммо, биз берилаётган имкониятлардан тўла фойдаланаяпмиз, деб айта олмаيمан. Фаолиятимиз бугунги куннинг воқеалиги ва талабларига ҳали тўлиқ жавоб бермаяпти. Биргина мисол. Партиямиз дастурида 9 та устувор йўналиш белгилаб олинган. Бироқ биз тарғибот тадбирларимизда кўпроқ муқобил энергия масаласига эътибор қаратиб юбордик. Ваҳоланки, дастурида суд-ҳуқуқ ислохотлариға кўмаклашиш, уй-жой коммунал комплекси фаолиятини янада яхшилаш, қишлоқ хўжалигини бозор иқтисодиёти асосида модернизациялаш, аҳолиға кўрсатиладиган тиббий ёрдам сифатини янада ошириш каби вазифалар белгиланган эди. Афсуски, биз кўп ҳолларда давлат томонидан амалга оширилаётган ислохотларни қўллаб-қувватлаш билан чекланиб қолаяпмиз. Парламент кўйи палатасидаги фракциямизнинг қонун ижодкорлиги, парламент назорати, парламент эшитуви борасидаги фаолияти талаб даражасида эмас. Худудий партия кенгашиларида айрим депутатлик гуруҳларининг ҳаракатсизлигини ҳам оқлаб бўлмайди.

Жойларда сайловчилар ва электорат вакиллари билан ўтказган тадбирларимизда эса мақсад ва вазифаларимиз, гояларимизни, бошқа партиялардан ажратиб турувчи жиҳатларни тушунтиришдан кўра, расмиётчилик билан чекланиб қолганимиз, партия сафиға талантили, сиёсий етук, ташаббускор, мустақил фикрга эга одамларни жалб эта олмаганимиз асосий камчиликларимиз ҳисобланади.



Биз ижтимоий шериклик тарафдоримиз

➤ Фракция йиғилиши

Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг навбатдаги мажлисида «Давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари фаолиятининг очиқлиги тўғрисида»ги қонун лойиҳаси кўриб чиқилди.

Қизгин муҳокамалардан сўнг Қонунчилик палатаси мазкур қонунни қабул қилди ва у Олий Мажлис Сенатига юбориладиган бўлди. Ушбу қонуннинг мақсади — давлат ҳокимияти органлари фаолиятининг очиқлигини, улар фаолияти ҳақидаги ахборотлардан оммавий ахборот воситалари, фуқаролик жамияти институтлари ҳамда аҳолининг кенг фойдаланишини таъминлашдан иборат.

Қонунчилик палатаси ялпи мажлисида кўриб чиқилишидан аввал мазкур қонун лойи-

хасини Ўзбекистон «Адолат» СДП фракцияси ўз йиғилишида муҳокама этди.

Таъкидланганидек, қонун лойиҳасининг асосий вазифалари сирасига давлат ҳокимияти ва бошқаруви органларининг фаолияти тўғрисидаги ахборотдан жисмоний ва юридик шахсларнинг эркин фойдаланишини ҳамда мазкур ахборотни олишға бўлган ҳуқуқнинг кафолатлигини таъминлаш қиради.



Ҳар кунимиз Наврўз бўлсин!



Наврўз асрлар бўйи дилларға баҳорий янгилашниш, яратувчилик ва табиатнинг бокира гўзаллиги билан уйғунлашиш кайфиятини бахш этиб келаётган байрам. Наврўз она заминни севишға, меҳнатни қадрлашға, ҳаётдан завқ олишға ундайди. Наврўз чинакам кўклам байрами, инсон руҳини кўтарувчи, завқ-шавқ бағишловчи илиқ туйғулар, эзгуликлар байрами.



Фаол ёшлар гуруҳининг хайрли ташаббуси

Президентимизнинг жорий йил 24 февралдаги «2014 йилги Наврўз умумхалқ байрамиға тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш тўғрисида»ги қарори, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг март-апрель ойларида мамлакатимизнинг барча ҳудудларида ободонлаштириш ва кўкаламзорлаштириш ойлиги ҳамда 15 март кунини умумхалқ хайрия ҳашарини ўтказиш тўғрисидаги фармойиши асосида жойларда кенг кўламли ободонлаштириш ишлари амалға оширилмоқда.

Навоий вилояти ўрта махсус касб-хунар таълими бошқармаси ва Навоий шаҳар ҳокимлиги ҳамкорлигида вилоят марказида ички ва магистраль йўл бўйлари, бўш турган ерларда кўкаламзорлаштириш, экилган дарахт ва гулларни доимий парвариш қилишға масъул фаол ёшлардан иборат гуруҳ ташкил қилинди. Наврўз байрами олдида

Алишер Навоий номидаги маданият ва истироҳат боғида ўтказилган ҳашарда мазкур гуруҳ ёшлари билан бирға нурионий кексалар ҳам фаол иштирок этди. Буюк бобокалонимиз хайқали ўрнатилган боғда турли манзарали дарахт ва гул қўчатлари ўтказилиб, янада ободонлаштирилди.

— Баҳор келиши билан ҳашар уюштириш, маҳалла,

кўча-кўй ва гузарларни ободонлаштириш, қабристон ва муқаддас қадамжоларни тартибға келтириш халқимизға хос азалий қадриятлардан, — дейди вилоят ўрта махсус касб-хунар таълими бошқармаси бош мутахассиси Зокир Абдиев. — Бунда асосан ёшлар фаол иштирок этмоқда.

Н.РАХИМОВ,
ЎЗА мухбири



Ёшлар тақдириға дахлдормиз

➤ «Ёш адолатчилар» қаноти

Ҳозирги кунда Фарғона вилоятида Ўзбекистон «Адолат» СДП аъзоларининг умумий сони 12 минг нафарға яқин. Уларнинг 5447 нафари, яъни 46,7 фоизини 30 ёшгача бўлган ёшлар ташкил этади. Шуни инобатға олган ҳолда, вилоят партия кенгашининг «Ёш адолатчилар» қаноти ёшлар сиёсати-

нинг бугунги ҳолати ва истиқболлари, мустақил фикрлайдиган, ўз ҳаётий позицияси ва мустаҳкам эътиқодға эга бўлган ёш авлодни тарбиялашнинг маънавий-маърифий асослари, иқтидорли ёшларни кўллаб-қувватлаш, уларнинг ижодий ва интеллектуал салоҳиятини рўёбға чиқариш, ёшларда соғлом тур-

муш тарзини шакллантириш, мамлакатни демократик янгилашниш жараёнида ёшларнинг ҳуқуқий маданиятини юксалтириш ва ижтимоий фаоллигини ошириш, баркамол авлодни тарбиялашға алоҳида эътибор қаратишни кўзлаган.



Раҳбархон МУРТАЗАЕВА:

Илм ва тафаккур —


тараққиётнинг қўш қаноти

➤ «Адолат»нинг адолатли аёллари



Аёл зотини Яратганнинг мўъжизаси, дейишади. Илм-фан соҳасида турли кашфиёт ва янгиликлар яратаётган, эришилган натижалари билан юртимизға наф келтириб, атрофидагиларни ҳайратға солаётган аёлларға тан бермай бўладими?

Юртимизда хотин-қизларға бўлган алоҳида эътибор боис улар жамиятда ўз ўрни, мавқеиға эга бўлишди. Ўзбекистон Республикаси хотин-қизлар «Олима» уюшмаси раиси, тарих фанлари доктори, профессор, уч юздан зиёд илмий иш, бешта дарслик ва бешта монография муаллифи, хорижий давлатларда ўтказилган ўнлаб илмий анжуманларда ўз маърузалари билан иштирок этган «Адолат» СДП фаоли Раҳбархон Муртазаева замонамизнинг ана шундай илғор фикрли, етук олималаридан бири. Баҳорнинг энг гўзал, бетакрор Наврўз байрами арафасида Раҳбархон опа билан учрашиб, ўзбек олима аёлларининг илм-фан ривожига қўшаётган ҳиссаси, улар яратаётган кашфиёт ва янгиликлар ҳақида суҳбатлашдик.





ҲУРМАТЛИ ЮРТДОШЛАР! «Асака» банк (ОАЖ)

қуйидаги миллий ва хорижий валютадаги муддатли янги омонат турларини таклиф этади:

«БАҲОР 2014»

Ҳисобланган фоизлар омонат муддати тугагандан сўнг берилади.

«ФАЙЗЛИ 2014»

(АҚШ долларарида)

Ҳисобланган фоизлар омонат муддати тугагандан сўнг АҚШ долларарида берилади.

Шу билан биргаликда, «Асака» банк (ОАЖ) миллий валютада 62 ҳамда хорижий валютада 30 турдаги қулай шартларда омонат турларини таклиф этади. Омонатларни банкнинг барча филиалларида расмийлаштириш мумкин.

Мурожаат учун телефонлар: 120-39-81, 120-39-60, 120-39-63.

Филиаллар	Код	Телефон	Филиаллар	Код	Телефон
Тошкент шаҳар филиали	371	120-83-13	Наманган вилоят филиали	369	226-94-75
Автотранспорт филиали	371	120-39-95	Навоий вилоят филиали	436	223-54-32
Шайхонтоҳур филиали	371	140-39-36	Зарафшон филиали	436	573-18-78
Юнусобод филиали	371	221-80-67	Бухоро вилоят филиали	365	223-71-94
Сирғали филиали	371	258-67-49	Бухоро шаҳар филиали	365	770-11-27
Тошкент вилоят филиали	371	120-84-13	Самарқанд вилоят филиали	366	231-08-86
Андижон вилоят филиали	374	224-40-96	Афросиёб филиали	366	221-77-56
Асака филиали	374	233-13-69	Қашқадарё вилоят филиали	375	221-12-93
Фарҳод филиали	374	226-97-53	Сурхондарё вилоят филиали	376	770-82-12
Фарғона вилоят филиали	373	224-70-83	Қорақалпоғистон филиали	361	770-60-59
Марғилон филиали	373	237-12-37	Хоразм вилоят филиали	362	226-97-78
Олтиариқ филиали	373	432-10-11	Сирдарё вилоят филиали	367	225-44-03
Кўқон филиали	373	552-61-04	Жиззах вилоят филиали	372	226-43-11

Барча омонатларингиз Фуқароларнинг банклардаги омонатларини кафолатлаш фонди томонидан кафолатланади.

Сизнинг омонатларингиз:

- » солиқлар ва мажбурий тўловлардан озод!
- » маълумотлар сир сақланиши тўлиқ кафолатланади!
- » эгаллик ва тасарруф ҳуқуқи ўз ихтиёрингизда!
- » миқдори чекланмаган!

«Асака» банк – сармоянгизнинг сақланиши ва кўпайишини кафолатлайди!

Хизматлар лицензияланган

«Ипотека-банк»

акциядорлик тижорат ипотека банки ИПОТЕКА BANK

Сизларга ўз маблағларингизни кўпайтириш, шунингдек, коммунал тўловларни тўлашда янада қулай имкониятлар яратиш мақсадида миллий валютадаги қуйидаги янги муддатли омонат турларини таклиф этади:

«ЯХШИ SOBFA» ютуқли омонати
Сақлаш муддати: 4 ой
Омонатга ҳисобланган фоизларни ҳар ойда олиш мумкин. Омонатга фоизли даромад тўланиши билан бирга ютуқлар тиражи якунига кўра ютуқ тўланади. Ютуқ омонат муддати тугаганда берилади.
Омонатнинг энг кам миқдори 1 000 000 сўм. Ютуқлар тиражи 2014 йил июль ойининг биринчи ярмида ўтказилади.

«КОММУНАЛ-АКТИВ»
Сақлаш муддати: 3, 6, 9 ва 12 ой
Омонатга фоизлар олинган ҳисобланиб, омонатчининг аризасига кўра тегишли коммунал ташкилотларнинг ҳисобварақларига коммунал тўловлар учун ўтказиб берилади.

«КОММУНАЛ-ПЛЮС»
Сақлаш муддати: 12 ой
Омонат бўйича ҳисобланган фоизли даромад омонатчининг аризасида кўрсатилган коммунал ташкилотлар ҳисобварақига ҳар ойда ёки омонатчи хоҳлаган муддатда коммунал тўлов учун ўтказиб берилади.

«КОММУНАЛ-ЛЮКС»
Сақлаш муддати: 1 ой
Омонатга қўйилган маблағлар белгиланган сақлаш муддати тугагандан кейин унга ҳисобланган фоизли даромад билан бирга омонатчи аризасида кўрсатилган коммунал ташкилот ҳисобварақига коммунал тўлов учун ўтказиб берилади.

Барча омонатларингиз Фуқароларнинг банклардаги омонатларини кафолатлаш фонди томонидан кафолатланади.

Сизнинг омонатларингиз:

- солиқлар ва мажбурий тўловлардан озод;
- маълумотлар сир сақланиши кафолатланади;
- эгаллик ва тасарруф ҳуқуқи ўз ихтиёрингизда.

Мурожаат учун телефонлар: (371) 150-89-17, (371) 150-89-57, (371) 150-89-58

«Ипотека-банк» – имконият яратамиз

Хизматлар лицензияланган

«18-автобус саройи» очик акциядорлик жамияти

Пойтахтимиз аҳлини, юртдошларимизни **НАВРЎЗ** умумхалқ байрами билан чин қалбдан табриклайди!

Баҳорий кайфият Сизларни ҳеч қачон тарк этмасин!

«18-автобус саройи» ОАЖ «D» тоифага эга бўлган ҳайдовчиларни «Мерседес-Бенц», «Хундай», «Исузу» автобусларига ишга қабул қилади!

Манзил: Тошкент шаҳар, Учтепа тумани, Катта ҳалқа йўли, 8а-уй.
Телефонлар: 247-03-36, 247-03-48

«Toshkent lok-bo`yoq zavodi» ОАЖ жамоаси

Жонажон дийрими аҳлини баҳор фаслининг ифзал айёми, умумхалқ байрами – Наврўзи олам билан инн дилдан мубороқбод этади.

Наврўз барға хонадонларга олам-олам қувонч, бахт ва омад келтирсин!

ADOLAT

ижтимоий-сиёсий газета

Муассис: Ўзбекистон «Адолат» СДП Сиёсий Кенгаши

Баш муҳаррир вазифасини бажарувчи: Абдували САЙБАЗАРОВ

Тахрир хайъати: Дилором ТОШМУҲАМЕДОВА, Наримон УМАРОВ, Собир ТУСУНОВ, Абдуқамол РАҲМОНОВ, Зухра БОТИРОВА, Светлана ОРТИҚОВА, Маммазон ХУЖАМБЕРДИЕВ, Қодир ЖҲРАЕВ, Муҳаммад АЛИ, Талат МУРОДОВ, Тошпулат МАТИБАЕВ, Алишер МУМИНОВ.

Бўлимлар: Партия турмуши ва парламент фаолияти бўлими – 288-46-54 (149); Ахборот, маънавият, хатлар ва шикоятлар билан ишлаш бўлими – 288-46-64 (146); Кабулхона – 288-42-23, 288-46-64 (141) факс; Қотибят – 288-46-64 (144); Навбатчи муҳаррир – Қ.Қўлдошев. Навбатчи – Фулом Хидиров.

«Шарқ» НМАК босмахонасида чоп этилади. Корхона манзили: Тошкент шаҳри Буюк Турон кўчаси, 41-уй. Қўғоғ бичими А-2. Ҳажми – 4 босма табоқ. Офсет усулида босилган. Буюртма Г – 300. Аадаи – 11216. Босишга топшириш вақти – 20:55. Босишга топширилади – 23:00.

ISSN 2093-5217

Газета Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлиги томонидан 0018 рақами билан рўйхатга олинган.